

РАҚАМЛИ АКТИВЛАР ТУШУНЧАСИНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ ВА УЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Ахтам Нусратуллоевич ЯКУБОВ

доцент

юримдик фанлар доктори

Тошкент давлат юримдик университети

Тошкент, Ўзбекистон

e-mail: akhtam.yakubov@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада миллий ва халқаро ҳуқуқий доктрина ва тажриба асосида Ўзбекистон қонунчилигида рақамли активнинг ҳуқуқий мақомини аниқлашга қаратилган таҳлиллар ўтказилиб, миллий қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар илғари сурилган.

Таянч сўзлар: рақали актив, криптоактив, блокчейн, виртуал мулк, виртуал валюта, криптовалюта, токенлар.

ЭВОЛЮЦИЯ ПОНЯТИЯ ЦИФРОВЫХ АКТИВОВ И СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ИХ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ

Ахтам Нусратуллоевич ЯКУБОВ

доцент

доктор юридических наук

Ташкентский государственный юридический университет

Ташкент, Узбекистан

e-mail: akhtam.yakubov@gmail.com

Аннотация

В данной статье автор анализирует национальную и международную правовую доктрину и опыт определения правового статуса цифрового актива в законодательстве Узбекистана, а также выдвигает предложения по совершенствованию национального законодательства.

Ключевые слова: реальный актив, криптоактив, блокчейн, виртуальная собственность, виртуальная валюта, криптовалюта, токены.

Замонавий рақамли технологиялар жадал ривожланиши ва глобал иқтисодиётга интеграциясининг кучайиши натижасида “рақамли активлар” тушунчаси халқаро ҳуқуқий муносабатлар тизимида марказий ўринни эгаллаб бормоқда. Блокчейн технологияси, криптовалюталар, NFT (Non-Fungible Tokens), рақамли молиявий активлар ва виртуал мулк шакллари инсон ҳаётининг барча соҳаларига кириб келиши муносабати билан уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш зарурати тобора ошиб бормоқда. Жаҳон Банки маълумотларига кўра, 2023 йилга келиб рақамли активлар бозори 3 трлн

долларга етган ва бу кўрсаткич йилига 35-40% ўсиш суръатлари билан ривожланмоқда.

Рақамли активларнинг долзарблиги нафақат уларнинг иқтисодий қийматида, балки замонавий жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишда муҳим воситага айланганлигида намоён бўлмоқда. COVID-19 пандемияси даврида рақамли технологияларга ўтиш жараёни тезлашди ва бугунги кунда одамларнинг интеллектуал мулки, шахсий маълумотлари, молиявий ресурслари кўп ҳолларда рақамли шаклда сақланмоқда. Европа Иттифоқи Комиссиясининг “Рақамли стратегия –2030” дастуридан маълум бўлишича, Европа аҳолисининг 75% рақамли хизматлардан фойдаланади ва уларнинг виртуал мулки ҳажми 2025 йилга келиб 500 млрд еврога етиши прогноз қилинмоқда.

Хорижий давлатлар қонунчилигида рақамли активларни тартибга солиш соҳасида сезиларли ютуқлар қўлга киритилмоқда. АҚШ давлати 2022 йилда “Рақамли активлар бўйича Президент Фармони”ни қабул қилиб, рақамли долларни жорий этиш масалаларини кўриб чиқишни бошлади. Европа Иттифоқи эса 2023 йилда “Криптоактивлар бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги (MiCA) регламентни қабул қилди. Сингапур, Япония, Швейцария каби давлатлар ўзларининг рақамли активлар бўйича комплекс қонунчилик базасини шакллантирган ва “рақамли активлар хавфсизлиги” соҳасида илғор тажрибага эга.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, рақамли активларни самарали тартибга солиш нафақат инновацион технологиялар ривожига хизмат қилади, балки фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, солиқ тизимини такомиллаштириш ва молиявий барқарорликни таъминлашда ҳам муҳим роль ўйнайди. Масалан, Эстония “e-Residency” дастури орқали рақамли фуқаролик институтини жорий этган ва бу тажриба дунё миқёсида кенг тарғиб қилинмоқда. Хитой эса CBDC (марказий банк рақамли валютаси) жорий этишда пешқадам бўлиб, 2022 йилга келиб 260 млн фойдаланувчига эга бўлган.

Ўзбекистон Республикаси “Рақамли Ўзбекистон–2030” стратегияси доирасида рақамли трансформациясини жадаллаштираётган шароитда рақамли активларни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда криптовалюталар ва блокчейн технологияларининг ҳуқуқий мақоми тўлиқ белгиланмаган, “рақамли актив” тушунчасининг қонуний таърифи мавжуд эмас ва бу соҳада халқаро стандартларга мос келувчи комплекс ёндашувни ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Шу муносабат билан, хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш йўллариини белгилаш долзарб илмий-амалий масала саналади.

Интернет шундай маконга айланиб бормоқдаки, унинг доирасида кўплаб ҳуқуқ субъектлари ўз ҳуқуқларини амалга оширмоқда ва ўз мажбуриятларини бажармоқда. Бу шароитларда виртуал мулк – рақамли активлар миқдорини ошиши Интернет олами учун умумий тенденцияга айланмоқда. Бироқ, ҳозирги вақтда фуқаролик ҳуқуқи доктринасида “рақамли актив (криптоактив)”, “рақамли молиявий актив” каби янги рақамли мулк шаклининг тоифаси аниқ белгиланмаган. Шу муносабат билан, “рақамли активлар” каби ҳодисанинг ҳуқуқий табиатини ўрганиш долзарб кўринади. Фикримизча, “рақамли актив”, “рақамли молиявий актив”, “криптоактив” бир маънони англатиб, ушбу мақола доирасида бир мазмунли рақамли мулк шакллари сифатида тушунилади.

“Рақамли актив” атамаси илмий ишларда деярли кузатилмаган. Фуқаролик ҳуқуқи фанида рақамли ҳуқуқлар ва рақамли валюта табиатининг ўзи олимларда қизиқиш уйғотган [4; 75-77]. Шу боис, рақамли ҳуқуқни рақамли технологиялардан фойдаланиш ва (ёки) рақамли маълумотлардан фойдаланиш ҳолатларида шаклланадиган муносабатларни тартибга солувчи алоҳида ҳуқуқ соҳасига ажратиш мумкинлиги тўғрисида фикрлар билдирилган эди [6;450]. Кейинчалик маълум бўлдики, “рақамли ҳуқуқ” тушунчаси фақат рақамли валюталар ва молиявий активларга нисбатан қўлланилишига нисбатан кенгроқ тушунча ва унинг таркибий қисмлари

ҳамда мазмуни кўп қирралидир [1; 28–31]. М. А. Рожкованинг фикрича, рақамли ҳуқуқ билан тартибга солинадиган муносабатларнинг хилма-хиллиги тартибга солиш методини аниқлаш муаммосини тақозо этади, бу эса рақамли ҳуқуқни ҳуқуқнинг кичик тармоғига ажратиш имконияти йўқлигини келтириб чиқаради [3; 7–10].

Рақамли активларни молиявий қўллаш кесимида цивилист олимлар қизиқиши аввалдан рақамли валюта ва унинг табиатига қаратилган эди. Баъзи тадқиқотчилар рақамли валюта хусусиятларининг пул билан ўхшашлиги ҳақида фикр юритган [5; 136–140]. Бирок, аксарият тадқиқотчилар рақамли валютани мулк тоифасига киритишган [2; 24–26].

Рақамли активнинг турли таърифларига асосланиб, қуйидагиларни қайд этиш мумкин. *Биринчидан*, рақамли ҳуқуқлар тушунчаси хилма-хиллиги ва уларни фақат молиявий воситаларга боғлаш мумкин эмаслиги ҳақидаги нуқтаи назарлар кўпчилик олимлар томонидан тасдиқланди. Қонун рақамли ҳуқуқларнинг фақат маълум ахборот тизимидаги пуллик талаблари ёки эмиссия қоғозлари айланиши билан боғлиқ бир қисмини кўриши баҳсли масаладир. *Иккинчидан*, рақамли актив кўзда тутган рақамли ҳуқуқлар предмети пул, аниқроғи, пуллик талаблар бўлиши мумкин. Лекин, адабиётларда пуллик талабнинг моҳиятига ягона ёндашув мавжуд эмас [1; 28–31].

Кенг маънода у маълум миқдорда пул маблағини топшириш мажбуриятидан иборат. Тор маънода пуллик талаб қарз тушунчаси билан боғлиқ. Эътиборлиси шундаки, тақсимланган реестрдаги рақамли молиявий активлар уларнинг эгасига тегишли эканлиги тўғрисидаги ёзувлар амалда титул функциясини ўташи ва ўз-ўзидан субъектда исталган вақтда қайд этилган рақамли актив билан шартланган моддий пулларга нисбатан рақамли ҳуқуқлар мавжудлигини англатмайди. Рақамли активни моддийлаштириш учун пуллик талабни тақдим этиш керак. Рақамли актив эгасини ахборот тизими доирасида тузилган битим иштирокчисига нисбатан кредитор ёки қарздор деб тахмин қилиш мумкин.

Яна бир жиҳатга эътибор қаратиш зарур. Рақамли актив қимматли қоғозлар эмиссияси, нодавлат акциядорлик жамиятининг устав капиталида иштирок этиш билан боғлиқ ҳуқуқларнинг ифодаси ҳам бўлиши мумкин. Ушбу ҳолат корпоратив ҳуқуқ фани учун янгилик саналади. Акциядорлик жамиятининг устав капиталига киритиш мумкин бўлган бадалнинг аввалроқ мустаҳкамланган рўйхатини тўлдиради. Таъкидлаш керакки, амалиётда жамиятнинг устав капиталига рақамли валютани киритиш ҳолатлари бугунги кунда хорижий давлатларда кенг тарқалмоқда.

Н.С.Александрованинг қуйидаги фикрларига тўлиқ қўшилиш мумкин: “Рақамли валюта – бу тўлов воситаси сифатида қабул қилиниши мумкин бўлган ва унинг мулкдорлари олдида жавобгар шахс мавжуд бўлмаган электрон маълумотлардан иборат” [1;28–31]. Биз бу тушунчанинг ноаниқлигини қайд этишга мажбурмиз. Қонунчиликда ундан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш имкониятини тан олиш рақамли валютани пул тушунчасига яқинлаштириши табиий. Қайд этиш зарурки, қонуний тўлов воситалари доирасини белгилаш давлатнинг мутлақ ваколати ҳисобланади. Бу масалалар оммавий-ҳуқуқий тартиб доирасида кўриб чиқиладиган муаммо саналиб, давлатнинг пул-кредит тизимига жиддий таъсир кўрсатади.

Бундан ташқари, “рақамли валюта” таърифининг ўзи, аниқроғи, унда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 95-моддасида “Валюта қимматликлари деб ҳисобланадиган мол-мулк турлари ва улар хусусида битимлар тузиш тартиби қонун билан белгилаб қўйилади. Валюта қимматликларига мулк ҳуқуқи умумий асосларда ҳимоя қилинади”, деб белгиланган “рақамли валюта”ни валюта қимматликлари сифатида баҳолашга фундаментал асос саналади.

Кўриб турганимиздек, рақамли актив тушунчаси пуллик талаблар ва эмиссия қоғозлари билан боғлиқ бўлиб, рақамли активнинг ўзи ҳам ахборот тизими иштирокчилари ўртасида айирбошлаш жараёни билан боғлиқ бўлиши мумкин. Иштирокчилар тўғрисидаги маълумотлар ахборот тизими реестрида мавжуд бўлиб, бу мажбуриятга эга шахсни аниқлаш имконини беради.

Рақамли валюта эса мулкӣй категория бўлиб, бунда мажбуриятга эга шахс мавжуд бўлмайди.

Рақамли валюта муомаласи имконияти мустаҳкамланганига қарамай, қонун чиқарувчи томонидан бундай муомала тамойиллари ва асосий мезонлари белгиланмаган. Рақамли валюта муомаласи билан боғлиқ талабларни суд орқали ҳимоя қилиш фақат бундай валютанинг мавжудлиги декларация қилинган тақдирда бўлиши мумкин.

Назаримизда, рақамли валютани тартибга солишда қайд этилган ҳавотирлар рақамли муҳит тушунчалари етарлича назарий ишлаб чиқилмаганлиги, шунингдек, рақамли валюта муомаласини давлат томонидан қай даражада тартибга солиниши мумкинлиги бўйича халқаро тажриба мавҳумлиги билан боғлиқ.

Шу билан бирга, муомала узоқ вақтдан бери мавжуд, аммо тавсифланган маконда назорат қилиш бўйича таъсирчан механизмлар ҳали тақлиф қилинмаган.

Шубҳасиз, келгуси ўн йилликда Ўзбекистонда рақамли активларга оид қонунчиликни такомиллаштириш зарурлиги табиий жараён сифатида тушунилади. Мазкур жараёнларда қонун чиқарувчи рақамли валюталар мулк ёки истиқболда пулга муқобил восита бўлишини аниқ белгилаб олиши лозим. Буларнинг барчаси рақамли ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва уларни ҳуқуқий ҳамда самарали тартибга солиш зарурати билан чамбарс боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида “рақамли активлар” тушунчаси белгиланмаган. Ўзбек доктринасида бу ҳодисанинг таърифи ва тавсифи мавжуд эмас. Ўрганилаётган ҳодисанинг хусусиятлари ва моҳиятини тушуниш учун Европа давлатларининг доктринаси ва қонунчилигига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ.

Charles Blazer [8] рақамли активлар таърифини уларни турларини санаб ўтиш орқали очиқ беради: Microsoft офис дастури (масалан, Word, Excel ёки PowerPoint) ёрдамида яратилган ҳужжатлар; рақамли фотосуратлар; рақамли видео; iTunes даги мусиқа. Ушбу муаллиф “рақамли активлар” ва “рақамли

мулк” категорияларини бирхиллаштиради ва ушбу ҳодисаларни “виртуал мулк” сифатида кўриб чиқишни таклиф қилади, жумладан унинг объектлари таркибига веб-сайт, агентнинг шартнома тузиш таклифи, компьютер ўйини персонажи ва бошқа номоддий рақамли товарлар киритади [9].

Рақамли активларнинг умумий таърифи N. Dosch томонидан таклиф этилади: “компютерингизда, сақлаш қурилмаси ёки веб-сайтингиздаги ҳар қандай файл ва ҳар қандай онлайн аккаунт ёки обуна” [10]. Бу ҳодисани тавсифлашда кенг ёндашув тарафдори J. Conner ўзининг тадқиқотида шунга ўхшаш таърифни берган. Ушбу тушунча таркибига фойдаланувчи компютеридаги ҳар қандай рақамли файл, шунингдек, онлайн аккаунт ёки обуна ва бошқаларни киритган [11].

Энди бевосита рақамли актив тушунчаси ва унинг ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ халқаро тажрибага эътибор қаратсак. Ҳозирги вақтда кўпгина мамлакатлар қонунчилигида “рақамли активлар” ҳодисасининг таърифи мавжуд эмас. Бирок, АҚШнинг баъзи штатларида бу ҳодисани белгилашга уринишлар бўлган. Ушбу категорияни ўрганиш учун АҚШнинг алоҳида штатлари қонунчилиги таҳлилига мурожаат қиламиз.

Коннектикут штати қонуни рақамли активлар таърифига эга эмас, бунинг ўрнига “электрон почта ҳисоб ёзуви” атамаси билан чекланган – бу электрон почта хизмати провайдери томонидан тақдим этилган электрон почта хизмати якуний фойдаланувчиси томонидан жўнатилган ёки қабул қилинган, ушбу электрон почта хизмати провайдери томонидан мазкур хизмат кўрсатишда одатда сақланган ёки ёзиб олинган барча электрон хабарлар; шунингдек, электрон почта хизмати провайдери томонидан сақланган ёки ёзиб олинган, электрон почта хизмати провайдерининг якуний фойдаланувчисига тақдим этиладиган электрон почта хизматлари билан бевосита боғлиқ бўлган, ҳар қандай бошқа электрон ахборот, шу жумладан, биллинг ва тўлов ахбороти, бошқа маълумотлар”ни ўз ичига олади [12].

Виржиния штати кодексида [13] “рақамли активлар” негизида аналог ёки рақамли фото, серверда, компютерда ёки бошқа электрон қурилмада ёки

электрон ташувчида, компьютер, қурилма ва электрон ташувчи мулк шаклидан ҳамда рақамли актив масофадан туриб сақланиши мумкинлигидан қатъи назар, сақланадиган ҳар қандай матн, тасвирлар, мультимедия ахборот ёки бошқа шахсий мулк тушунилади. “Рақамли активлар” рақамли активларга кириш учун зарур бўлган ҳар қандай сўзлар, белгилар, кодлар ёки шартномавий ҳуқуқларни ўз ичига олади.

Мен штатининг Васиятлар ва ишончли бошқарув ишлари бўйича комиссияси топшириқда рақамли мерос соҳасидаги норақамли активларни ишлаб чиқиш тўғрисида эълон қилинган. Унга кўра “рақамли активлар” деганда, электрон шаклда сақланадиган, ахборотни олишга ёки келажакда сақланиб туришига имкон берадиган ҳар қандай ташувчида сақланадиган ахборот, шу жумладан (аммо бу билан чекланмасдан) ҳужжатлар, расмлар, графиклар, диаграммалар, фотосуратлар, овоз ёзувлари, тасвирлар ва бошқа ахборот ёки тўпланган маълумотлар тушунилади” [14].

2013 йил 14 январда Орегон штати қонун лойиҳаси “рақамли активлар” батафсил, кенг очиб берилган таърифини таклиф қилади [15]. Ушбу қонун лойиҳасига мувофиқ, рақамли активлар ўз ичига қуйидагиларни киритади (аммо улар билан чекланмайди): серверда, компьютерда ёки бошқа жисмоний қурилмада ёки электрон ташувчида сақланишидан, рақамли активлар сақланадиган жисмоний қурилма ёки электрон восита мулки шаклидан қатъи назар, сақланадиган матн, тасвирлар, мультимедия ахбороти ёки рақамли шаклда сақланадиган бошқа мулк.

Мазкур штатда таклиф қилинган лойиҳага кўра “рақамли активлар” қуйидагиларни ўз ичига олади (аммо улар билан чекланмайди): Рақамли активларга кириш учун зарур бўлган сўзлар, белгилар, кодлар ёки шартномавий ҳуқуқлар. Бундан ташқари, ушбу қонун лойиҳасида “рақамли ҳисоб ёзуви” тушунчаси мавжуд – “ўз ичига: электрон почта, молиявий, шахсий ва бошқа онлайн ҳисобларни киритади (аммо улар билан чекланмайди)” [15]. Ушбу қонун лойиҳасида [15], “шахсий мулк” ўз ичига барча моддий ва номоддий мулк... ва рақамли активларни киритиши

тўғридан-тўғри кўрсатилган норақамли актив мавжуд.

Шундай қилиб, “рақамли активлар” категориясини талқин қилишнинг турли хил ёндашувларини таҳлил қилгандан сўнг, бу ҳодиса фақат компьютер дастурлари (MicrosoftWord, Excel, ёки PowerPoint) орқали инсон томонидан яратилган ҳужжатлар билан чекланмаслиги керак, деган хулосага келишимиз мумкин.

N. Dosch [10] тўғри таъкидлаганидек, ушбу тушунча фойдаланувчига тегишли бўлган барча домен номларини, қонуний равишда юклаб олинган ҳар қандай файлларни (масалан, MP3 мусиқа файллари ва фильмлар), кириш учун фойдаланувчи номи ва пароль киритишни талаб қиладиган Интернет технологиялари асосида яратилган ҳар қандай шахсий ҳисоб ёзувларни ўз ичига олиши керак (масалан, ижтимоий тармоқ ёки электрон почта ҳисоб ёзувлари, шунингдек шахсий маълумотларни сақлайдиган ҳар қандай ҳисоб ёзувлари (масалан, онлайн харид хизматлари учун банк ҳисоб ёзуви).

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, АҚШнинг алоҳида штатлари доктринаси ва қонунларида “рақамли активлар” атамаси билан бир қаторда “рақамли мулк”, “виртуал мулк”, “номоддий мулк” категориялари қўлланилади. Доктринада рақамли активларни таснифлашнинг аниқ мезонлари ишлаб чиқилмаган. Бу, биринчи навбатда, ўрганилаётган ҳодисанинг хилма-хиллиги ва шаклларининг турлича эканлиги билан боғлиқ.

Ушбу қайд этилган таснифларнинг айримлари таҳлилига эътибор қаратайлик. Шахсий активлар компьютер ёки смартфонда сақланадиган ёки Flickr ёхуд Shutterfly каби веб-сайтларга юкланган рақамли активларни ўз ичига олиши мумкин. Улар фотосуратлар, видеолар, электрон почта ёки плейлистларни ўз ичига олиши мумкин. Фотоальбомлар шахсий қаттиқ дискда сақланиши ёки онлайн тизимлар ёрдамида яратилиши мумкин.

Электрон шаклда фойдаланувчилар ўзларининг ва оила аъзоларига тегишли бўлган тиббий варақалар ва солиқ ҳужжатларини сақлашлари мумкин. Ҳар бир қайд этилган рақамли актив, қоида тариқасида, турли хил

кириш воситаларини талаб қилади: логин, парол, код сўзлари ва бошқалар.

Ижтимоий медиа активлар – Facebook, Twitter ва бошқа шунга ўхшаш веб-сайтлар, шунингдек, электрон почта ҳисоб ёзувлари орқали фойдаланувчилар ўртасидаги ўзаро алоқа қилиш билан боғлиқ активлардир. Ушбу сайтлар нафақат фойдаланувчилар ўртасидаги мулоқот учун хизмат қилиши, балки фотосуратлар, видеолар ва бошқа активлар учун сақлов жойи сифатида ҳам фойдаланиши мумкин.

Шундай қилиб, рақамли активларнинг ҳуқуқий мақоми ва уларни тартибга солишнинг халқаро тажрибасини комплекс таҳлили асосида қуйидаги илмий-назарий ва амалий хулосаларга келишимиз мумкин:

Биринчидан, замонавий ахборот технологияларининг экспоненциал ривожланиши, сунъий интеллект, блокчейн, метаверс каби инновацион технологияларнинг интеграцияси ва рақамли активларнинг янги турлари (NFT, DeFi токенлари, рақамли коллекциялар)нинг доимий пайдо бўлиши “рақамли активлар” категориясининг универсал ва статик таърифини ишлаб чиқишга объектив тўсиқ туғдиради. Бу ҳолат халқаро ҳуқуқий амалиётда функционал ва мослашувчан ёндашувларни қабул қилишни тақозо этади.

Иккинчидан, АҚШ, Канада ва Австралияда рақамли активларга оид қонунчилик таҳлили кўрсатдики, ушбу соҳадаги норматив ҳужжатларнинг аксарияти диспозитив табиатга эга бўлиб, қонун чиқарувчилар “келажакда пайдо бўлиши мумкин”, “технологик ривожланишни ҳисобга олган ҳолда” каби эластик формулировкаларни қўллашмоқда. Бундай ёндашув технологик инновацияларнинг ҳуқуқий тартибга солиш доирасидан четда қолиб кетишининг олдини олади ва қонунчиликнинг истиқболга мўлжалланганлигини таъминлайди.

Учинчидан, рақамли активлар соҳасидаги қонунчилик халқаро амалиётда турли хил институционал ёндашувларни юзага келтирмоқда. АҚШда федерал ва штат даражасидаги норматив ҳужжатлар ўртасида мувозанатли тақсимот, Европа Иттифоқида эса марказлашган база (MiCA регламенти) яратилган. Сингапур, Швейцария каби давлатлар махсус

тартибга солиш тизимларини жорий этган ҳолда тажрибавий ҳуқуқий механизмларни синашмоқда.

Тўртинчидан, рақамли активларнинг турли белгилари бўйича (техник табиат, иқтисодий функция, ҳуқуқий мақом, сақлаш усули) таснифлаш муаммоси халқаро доктринада ягона ечимга эга эмас. Фикримизча, кўп мезонли таснифлаш ёндашуви (multi-criteria approach) энг мақбул ҳисобланиб, у рақамли активларнинг мулкӣ, қарздорликка оид, корпоратив ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлар категорияларига ажратишни назарда тутди.

Бешинчидан, рақамли активларга оид халқаро ҳуқуқӣ доктрина таҳлили уларнинг “гибрид табиати”ни очиб беради: улар бир вақтнинг ўзида моддий мулк белгилари (эгалӣ, фойдаланиш, тасарруф), интеллектуал мулк элементлари ва молиявий инструментлар хусусиятларини ўзида мужассам этади. Бу ҳолат классик цивилистик категорияларни қайта кўриб чиқишни ва янги ҳуқуқӣ конструкцияларни ишлаб чиқишни талаб қилади.

Олтинчидан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги рақамли активларни тартибга солишда қуйидаги системавий бўшлиқларга эга: а) “рақамли активлар” тушунчасининг қонуний таърифи мавжуд эмаслиги; б) рақамли активларнинг мулк ҳуқуқи объекти сифатидаги мақомини белгиловчи норматив база етишмаслиги; в) рақамли активлар билан муомала тартиби ва улар устидан ҳуқуқларни ҳимоя қилиш механизмларининг ишлаб чиқилмаганлиги; г) рақамли мерос ва рақамли активларни мерос қилиб олиш масалаларининг тартибга солинмаганлиги.

Еттинчидан, халқаро тажриба ва назарий тадқиқотлар асосида Ўзбекистон қонунчилиги учун рақамли активларнинг қуйидаги таърифини таклиф қилишимиз мумкин: *“Рақамли активлар – электрон-рақамли шаклда кодланган, ахборот тизимларида сақланадиган, идентификацияланадиган ва шахсга тегишли бўлган мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқларни ифодаловчи, иқтисодий қиймат ташувчи ҳамда юридик жиҳатдан ҳимояланадиган ахборот ресурслари”*.

Саккизинчидан, миллий қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида рақамли активларнинг қуйидаги таснифини жорий этиш мақсадга мувофиқ: а) рақамли молиявий активлар (криптовалюталар, стейблкойнлар, рақамли қимматли қоғозлар); б) рақамли интеллектуал мулк (NFT, рақамли контент, дастурий таъминот); в) рақамли шахсий маълумотлар ва ҳисоб ёзувлари; г) рақамли ишчи активлар (корпоратив маълумотлар базаси, рақамли инфратузилма элементлари).

Тўққизинчидан, рақамли активлар соҳасидаги ҳуқуқий тартибга солишни ишлаб чиқишда халқаро стандартлар ва илғор тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, миллий иқтисодий манфаатлар ва ҳуқуқий анъаналарни сақлаш принципига асосланган ёндашувни қўллаш зарур. Бу жараён босқичма-босқич амалга оширилиши ва доимий мониторинг ҳамда баҳолашни назарда тутиши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Александрова Н.С. Соотношение понятий «цифровые права», «цифровая валюта» и «цифровой финансовый актив» //Вестник Московского университета МВД России, 2021. – №. 6. – С. 28-31.
2. Гаврилов В.Н., Рафиков Р.М. Криптовалюта как объект гражданских прав в законодательстве России и ряда зарубежных государств // ВЭПС. 2019. № 1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/kriptovalyuta-kak-obekt-grazhdanskih-prav-v-zakonodatelstve-rossii-i-ryada-zarubezhnyh-gosudarstv>;
3. Рожкова М.А. Является ли цифровое право отраслью права и нужно ли ожидать появления Цифрового кодекса? // Хозяйство и право, 2020. – № 4. – С. 3–13.
4. Савицкая К. Д. Цифровые активы: теория и правовое регулирование на примере Соединенных Штатов Америки //Вестник Полоцкого государственного университета. Серия D, Экономические и юридические науки, 2015. – С. 75-77.

5. Савельев А. И. Криптовалюты в системе объектов гражданских прав // Закон, 2017. – № 8. – С. 136–154

6. Цифровое право: учебник / [Егорова М. А., Блажеев В. В.]; Под общ. ред. В. В. Блажеева, М. А. Егоровой. Москва: Проспект, 2020. – 640 с.

7. Blazer, C. The Five Indicia of Virtual Property (discussing the “five indicia” for determining what is a legally protectable digital asset) / C. Blazer [Electronic resource]. - 2006. - Mode of access: http://law.unh.edu/assets/images/uploads/publications/pierce-law-review-vol05-no1-blazer_1.pdf.

8. Blazer, C. The Five Indicia of Virtual Property (discussing the “five indicia” for determining what is a legally protectable digital asset) / C. Blazer [Electronic resource]. - 2006. - Mode of access: http://law.unh.edu/assets/images/uploads/publications/pierce-law-review-vol05-no1-blazer_1.pdf.

9. Dosch, N. Over View of Digital Assets: Defining Digital Assets for the Legal Community / N. Dosch [Electronic resource]. - 2010. - Mode of access: <http://www.digitalestateplanning.com/>.

10. Conner, J. Digital Life After Death: The Issue of Planning for a Person's Digital Assets After Death / J. Conner // Est. Plan. & Cmty. Prop. LJ. - 2010. - T. 3 [Electronic resource]. - 2010. - Mode of access: <http://heinonline.org/HOL/LandingPage?handle=hein.journals/epcplj3&div=18&id=&page=>.

11. Dosch, N. Over View of Digital Assets: Defining Digital Assets for the Legal Community / N. Dosch [Electronic resource]. - 2010. - Mode of access: <http://www.digitalestateplanning.com/>.

12. Act concerning access to decedents' electronic mail accounts: Senate Bill № 262 Public Act, June 24, 2005 № 05-136 [Electronic resource]. - 2005. - Mode of access: <http://www.cga.ct.gov/2005/act/Pa/2005PA-00136-R00SB-00262-PA.htm>. §§ 64.2-109; 110 Code of Virginia, July 1, 2013 // Legislative Information System [Electronic resource]. - 2013. - Mode of access: <https://leg1.state.va.us/cgi-bin/legp504.exe>

13. Resolve, to Study the Issue of Inheritance of Digital Assets House of Representatives: Legislative Document № 850 (HP 601), March 5, 2013 // State of

Maine Legislature [Electronic resource]. - 2013. - Mode of access: <http://www.mainelegislature.org/legis/bills/getPDF.asp?paper=HP0601&item=1&snum=126>.

14. Relating to digital property: Senate Bill, January 14, 2013, № 54 // Oregon State Legislature [Electronic resource]. - 2012. - Mode of access: <https://olis.leg.state.or.us/liz/2013R1/Downloads/MeasureDocument/SB54/Introduced>